

Турли фосфор сақловчи ўғитларни бир хил меъёردа қўлланилганда ҳосилдорлик деярли бир хил бўлди. Назорат вариантга нисбатан 39,9 – 43,0 ц/га қўшимча ҳосил етиштириш имконияти мавжуд экан.

Хулоса ва таклифлар: Самарқанд вилояти типик бўз тупроқлар озиқ режимини шаклланиши, яхшилаш ва

маккажўхоридан юқори ҳосил етиштиришда фосфор сақловчи ўғитлар N250K125 фонида 175 кг/га қўллаш тавсия этилади. Минерал ўғитларни шу меъёрдa қўллаш орқали маккажўхоридан фосфор сақловчи ўғит турлари бўйича 67 – 70 ц/га ҳосил етиштириш имконияти яратилар экан.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги 121-сон “Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилонa жойлаштириш тўғрисида”ги Қарори. Тошкент. – 2021.

2. Махматмуродов А.У. Урожайность и кормовая ценность кукурузы при повторном посеве в зависимости от фосфорного питания. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг «Агро илм» илмий иловаси. Махсус сон, Тошкент- 2016. – Б. 31.

3. Махматмуродов А.У., Хошимов Ф., Умурзоқов Э. Формирование и структура урожая зерна кукурузы в зависимости от минерального питания // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг «Агро илм» илмий иловаси. Тошкент- 2017, № 1(45), с -31-32.

4. Абдуллаев Б.Н., Равшанов Ж.Ф., Кубаева М.А. Эффективность ресурсосберегающей технологии при возделывании кукуруза и его влияние на плодородие почвы. Озиқ-овқат хавфсизлиги: Миллий ва глобал омиллар. III-халқаро илмий-амалий конференция тўплами. 2021 йил. 15-16 октябр. – Самарқанд. – 2021. –С. 389- 390.

УЎТ: 634.21: 632.7: 632

ЎҚИҢ, ЭЪТИБОР ҚАРАТИҢГ

ОЛМА БОҒЛАРИНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН АГРОТЕХНИК ЧОРА ТАДБИРЛАР

Х.Шукуров, Б.Мадартов, Ҳ.Мардонов, М.Сафаров, Н.Мавлонова.

Аннотация: Мақолада, олма боғлари қатор ораларига кузги-қишқи шудгор берилиши, тўкилган барг ва хазонлар, ҳамда қуриган новдаларни йиғиб ёқиб юборилиши, кузги ва қишқи яхоб сувлари бериш, мавсум давомида барча тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда, ўтказилган агротехник тадбирлар олма дарахтларини зараркунандалардан тўлиқ халос этаолмаслиги, чунки зараркунанданинг бир қисми дарахтнинг қуриган пўстлоғи остида, бўғимларда ва бошқа жойларда қишлаши, ҳамда уларнинг етук зотлари бир боғдан иккинчисига учиб ўтиши хусусияти ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: уйғунлашган механизми, агротехник тадбирлар, пестицид, такомиллаштириш тизими, олма боғлари

Аннотация: Согласно статье яблоневые сады в период с осени до зимы следует вспахивать, сбрасывать листву и ветки, а также сжигать засохшие ветки, проводить осенний и зимний полив, проводить все мероприятия в течение сезона, проводить агротехнические мероприятия. технические мероприятия не должны полностью избавить яблони от вредителей, так как часть вредителей зимует под высохшей корой дерева, в суставах и других местах, а взрослые их виды, как полагают, перелетают из одного сада в другой.

Ключевые слова: интегрированный механизм, агротехнические мероприятия, пестициды, система мелиорации, яблоневые сады

Annotation: According to the article, apple orchards from autumn to winter should be plowed, leaves and branches should be shed, as well as dried branches should be burned, autumn and winter watering should be carried out, all activities should be carried out during the season, and agrotechnical measures should be carried out. technical measures should not completely rid apple trees of pests, since some pests hibernate under the dried bark of a tree, in joints and other places, and their adult species are believed to fly from one garden to another.

Keywords: integrated mechanism, agrotechnical measures, pesticides, amelioration systems, planting

Бугунги кунда шу нарса маълум бўлдики, ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш муаммосини фақат кимёвий усулни қўллаб ҳал этиш мумкин эмас.

Ҳозирги кунда бу муаммони ҳал қилиш учун агробио-ценоз таркибини, зарарли организмлар ривожланишини башорат қилишни, кимёвий ва биологик препаратлардан,

жинсий феромонлардан ҳамда йиртқич ва паразит энтомофаглардан фойдаланишни ўз ичига олувчи зараркунандаларни йўқотишнинг уйғунлашган механизмини қўллаш талаб этилади. Олма боғларининг зараркунандаларига қарши кураш чора тадбирларини феромонли туқичлар ва иқтисодий зарар миқдор мезонидан фойдаланган ҳолда илмий асосланган муддатларда қўллаб, кимёвий препаратлар ишлатилиш ҳажмини камайтириш устида дастлабки тадқиқотлар амалга оширилган [147; 23-6.].

Лекин бугунги кунда Тошкент ва Сурхондарё вилояти шароитида уруғ мевали боғларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш тадбирлари бугунги кун талабларига жавоб бериши учун, биз ушбу ҳимоя тадбирларини такомиллаштириш устида 2011-2017 йиллар давомида тадқиқотлар олиб бордик. Тадқиқотларимизда ҳозирда мавжуд ҳимоя чора тадбирларини такомиллаштириш тизимини ишлаб чиқиш учун бир неча тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу тизим қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

1. Зараркунандаларнинг сони камайтирувчи агротехник чора тадбирлардан фойдаланиш;
2. Зараркунандаларнинг мевали боғларга келтирадиган зарарини билган ҳолда пестицидлардан фойдаланиш;
3. Ишчи аралашмаларни катта ҳажмда пуркаш ўрнига кичик ҳажмли пуркаш усулидан фойдаланиш.

Комплекс агротехник тадбирларни ўз вақтида тўғри, иқтисодий ва илмий асосланган ҳолда қўллаш ўсимликларнинг зараркунанда ва касалликларга чидамлилигини оширади. Кейинги ўн беш йил давомида мевали боғлардан юқори ҳосил олиш мақсадида мавсумий ва йиллик комплекс агротехник тадбирларни ўтказиш, яъни қатор ораларини ҳайдаш, вақтида суғориш, органик ва минерал ўғитлар бериш, кузги ва баҳорги кесиш, қуриган новда ва пўстлоқлардан тозалаш каби ишларнинг бажарилиши талабга жавоб бермайдиган ҳолга келган.

Ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишда агротехник усулнинг асосий устунлиги шундаки, бу усул қўлланилганда қўшимча харажатлар бўлмайди, чунки барча агротехник чора-тадбирлар ўсимликларни етиштириш технологияси таркибига киради. Лекин агротехник усулнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун албатта қўшимча харажатлар ва қўшимча самарадорликни алоҳида ҳисобга олиб, олинган маълумотлар формула асосида қайта ишланади. Маълумки, ўз вақтида ва асосланган агротехник комплекс чора тадбирларининг қўлланиши боғларда дарахтларнинг ўсишини яхшилайдиган, уларни турли хил зараркунандаларга чидамлилигини оширади. Шундай қилганда, агротехник тадбирлар мевали дарахтлар ўсиши, ривожланиши ва ҳосилига қулай шароит яратади ҳамда зарарли организмлар учун ноқулай муҳит яратади.

1-жадвал

Мевали боғларда барча агротехник тадбирларнинг ўтказилишини кейинги йили зараркунандалар билан зарарланишига таъсири
(Амалий тажриба, Қибрай тумани, 2014-2015 йй.)

Тажриба вариантлари	Боғ майдони, га	2014 йил кузда дарахтларнинг ўргимчаккана, қалқандорлар, нок қандаласи ва ширалар билан зарарланиши, %	Кейинги йил ҳисоб ўтказилган вақтда уруғ мевали боғларнинг зарарланиши (2015 й)							
			Ширалар		Ўргимчак-каналар		Қалқандорлар		Нок қандаласи	
			Барглarning зарарланиши, %	Зарарланишнинг назоратга нисбатан камайиши, %	Барглarning зарарланиши, %	Зарарланишнинг назоратга нисбатан камайиши, %	Новда ва меваларнинг зарарланиши, %	Зарарланишнинг назоратга нисбатан камайиши, %	Барглarning зарарланиши, %	Зарарланишнинг назоратга нисбатан камайиши, %
Тажриба: Йил давомида комплекс агротехник тадбирлар ўтказилган	5	78,5-82,6	36,2	35,9	35,2	33,1	56,4	23,2	64,6	20,6
Назорат: Қатор оралари кузда шудгор қилинмаган, суғорилмаган ва хазон барглари тозаланмаган	1	77,8-84,8	72,1	-	68,3	-	79,6	-	85,2	-

Мевали боғларда ўтказиладиган агротехник чора-тадбирлар икки гуруҳга бўлинади:

1. Дарахтларнинг қишки тиним даврида ўтказиладиган агротехник чора-тадбирлар (дарахт шохларини кесиш, улар танасини қуриган пўстлоқлардан тозалаш, кузги ва қишки суғориш ва бошқалар).

2. Мавсум даврида ўтказиладиган чора-тадбирлар: қатор ораларига ишлов бериш, новдаларини кесиш, суғориш, ўғитлаш ва бошқалар.

Мевали боғларда дарахтларнинг танасини ва йирик шохларини қуриган пўстлоқлардан тозалаш, уларни илмий-асосланган усулда (ҳосилга зарар етказмайдиган ҳолда) кесиш, органик ва минерал ўғитларни вақтида бериш, суғориш ва қатор ораларини чуқур ҳайдаш (30-35 см) боғ биоценозида мавжуд фитофагларнинг сонини ва улар зарарини кескин камайишига салмоқли таъсир этади.

Шунинг учун ҳам, биз ўз тадқиқотларимизда юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларнинг боғнинг асосий зараркундаларининг ривожланиши ва келтирадиган зарарига таъсирини ўргандик (1-жадвалга қаранг).

Уруғ мевали боғлар зараркундаларига қарши асосий агротехник кураш тадбирлари боғларда тўкилган барглари мавсум давомида ва кузда йиғиб йўқ қилиб ташлаш, ҳамда қатор ораларини чуқур 30-35 см қилиб ҳайдашдир. Бундан ташқари, кўпчилик ёш боғларнинг қатор ораларига сабзавот ва бошқа техник экинлар экиш яхши самара беради. Чунки бу экинларга мавсум давомида кўп маротаба қатор ораларига ишлов берилиб, ўғитланиб суғориб турилади.

Юқорида қайд қилиб ўтилган барча ҳолатларда ҳам дарахт танаси атрофи ишлов берилмасдан қолади. Бу жойларни албатта қўл кучи билан тозалаб, тўкилган мевалар ва барглари йиғиб туриш талаб этилди.

2014-2015 йиллар давомида биз кузги шудгорнинг олма дарахтларини кейинги йили зараркундалар билан зарарланишига таъсирини ўрганиш мақсадида тажрибалар ўтказдик. Иккита бир хил шароитга ва дарахтлар мажмуасига эга бўлган далалар ажратиб олинди. Бу майдонлар орасидаги масофа 500-700 метрни ташкил қилди (олма навлари Старкримсон, Розмарин, Р. Симиренко). Бу боғдаги олма дарахтлари 2014 йил икки марта зараркундаларга қарши ишлов берилган бўлсада зараркундалар билан кучли зарарланган эди.

Кузда дарахтлар қишки тиним даврига киришдан олдин сентябр ойининг иккинчи ўн кунлиги охирида ўтказилган хисобларга кўра, дарахтларнинг зарарланиш даражаси ўртача 76,5-84,8 % эканлиги кузатилди.

Биринчи вариантда (6 гектарлик боғ) 2014 йил ноябр ойининг 1 декадасида қатор оралари шудгор қилинди. Дарахт таглари тўкилган барглари билан қуриган шохлардан тозаланиб йўқотилди, кузги ва яхоб сувлари берилди. Мавсум давомида суғориш ва ўғитлаш ишлари вақтида ўтказилди.

Иккинчи яъни назорат вариантыда заракундаларга қарши кураш тадбирлари олиб борилган бўлсада кузда ва мавсум давомида агротехник тадбирлар олиб борилмади. Ҳар икки вариантда ҳам олма дарахтларининг ширалар билан зарарланиши 2015 йили май ойининг охирида, қолган зараркундалар билан зарарланишини аниқлаш 2015 йили сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги охирида ўтказилди. Кузатув ва ҳисобларга кўра бу боғларда дарахтларнинг турли хил зараркундалар билан (ўргимчаккана, қалқондорлар, нок қандаласи ва ширалар) турли даражада зарарланиши аниқланди. Олма боғида қатор ораларига ишлов бериш (кузги шудгор, қуриган шохлар ва барглари тозаланиб ёқиб юбориш ва бошқалар) кейинги йили шу боғларда дарахтларнинг зараркундалар билан зарарланишини назорат вариантыга нисбатан кам бўлишини кўрсатди. Тажиба майдонида олма дарахтларининг ширалар билан зарарланиши назоратга нисбатан 35,9 % га, ўргимчакканалар 33,1% га, қалқондорлар билан 23,2 % га ва нок қандаласи билан зарарланиш 20,6 % га кам бўлганлиги кузатилди. Бу тажибадан қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Олма боғлари қатор ораларига кузги-қишки шудгор берилиши, тўкилган барг ва хазонлар, ҳамда қуриган новдаларни йиғиб ёқиб юборилиши, кузги ва қишки яхоб сувлари бериш, мавсум давомида барча тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ва бошқалар кейинги йили олма боғларининг зараркундалар билан зарарланишини 20,6 % дан 35,9 % гача камайтиради.

2. Ўтказилган агротехник тадбирлар олма дарахтларини зараркундалардан тўлиқ халос этаолмайди, чунки зараркундаларнинг бир қисми дарахтнинг қуриган пўстлоғи остида, бўғимларда ва бошқа жойларда қишлаши, ҳамда уларнинг етук зотлари бир боғдан иккинчисига учиб ўтиш хусусияти бунга имкон бермайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Васильев В.П., Лившиц И.З. Вредители плодовых культур. – Москва: «Колос», 1984. – 398 с.
2. Корчагин В.Н. Защита растений от вредителей и болезней на садово-огородном участке. – Москва: Агропромиздат, 1987. – 311 с.
3. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. – Тошкент, 2004. – 103 б.
4. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркундалардан ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари. – Тошкент: “Наврўз”, 2015. – 552 б.
5. Алексеева С.А. Календарь работ в саду //Ж. Защита растений. – Москва, 1993. - №5. – С. 29-33.